

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ ЛУҚМОН СИРОЖИДДИНОВИЧ

STACHYBOTRYS, TRICHODERMA VA *POLYPORUS*
ҚЎЗИҚОРИНЛАРИНИНГ ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАРИ
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА МОДИФИКАЦИЯСИ

02.00.03 – Органик кимё
02.00.10 – Биоорганик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

УЎТ: 547.945.913.757.662.94.92.

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation of doctor of sciences (DSc)

Камолов Лукмон Сирожиддинович

Stachybotrys, Trichoderma va Polyporus қўзиқоринларининг
иккиламчи метаболитлари синтези, тузилиши ва
модификацияси..... 3

Камалов Лукман Сирожиддинович

Синтез, структура и модификация вторичных метаболитов
грибов Stachybotrys, Trichoderma и Polyporus..... 29

Kamolov Lukhmon Sirojiddinovich

Synthesis, structure and modification of secondary metabolites
of fungi Stachybotrys, Trichoderma and Polyporus..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМОЛОВ ЛУҚМОН СИРОЖИДДИНОВИЧ

***STACHYBOTRYS, TRICHODERMA* VA *POLYPORUS*
ҚЎЗИҚОРИНЛАРИНИНГ ИККИЛАМЧИ МЕТАБОЛИТЛАРИ
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА МОДИФИКАЦИЯСИ**

02.00.03 – Органик кимё

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/K106 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyو.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Нурманов Сувонкул Эрханович
техника фанлари доктори, профессор

Арипова Салимаҳон Фозиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Шовкат Воҳидович
кимё фанлари доктори, профессор.

Матчанов Алимжан Давлатбоевич
кимё фанлари доктори, профессор.

Раҳмонбердиева Раъно Каримовна
кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» 02 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 44 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871)227-12-24, факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил «8» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «4» 02 даги 6- рақамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к.ф.д.

А.К. Абдушукуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда кўзқоринларнинг алкалоидлари ва терпеноидлари ҳамда уларнинг ҳосилалари фармацевтикада, кимё саноатида, ветеринарияда, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Алкалоидлар ҳамда терпеноидларнинг физиологик фаолликларидан келиб чиқиб антибиотиклар, фунгицидлар, гербицидлар, доривор препаратлар, ингибиторлар ва экологик тоза препаратлар олишда қўлланилмоқда. Шу сабабли кўзқориндан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш ва уларнинг муҳим кимёвий бирикмаларини синтез қилиш ҳамда биологик фаолликларини атрофлича ўрганиш ва уларни тиббиёт, қишлоқ хўжалик амалиётига тез фурсатда етказиб бериш муҳим ҳисобланади.

Жаҳонда кенг тарқалган вирус ва саратон касалликларининг кимётерапияси учун экологик тоза доривор препаратлар олиш усулларини излаш, кўзқорин синтез қиладиган физиологик фаол моддаларни индивидуал ҳолда ажратиш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг кимёвий тузилишини ва биологик фаоллигини аниқлашнинг замонавий усулларини яратиш, ажратиш олинган моддалардан турли хил кимёвий препаратлар, вирусларга қарши антибиотиклар, саратонга қарши ингибиторлар ва цитотоксик препаратлар, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширувчи биологик препаратлар олиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Республикамизда сўнгги йилларда кимё саноати корхоналарини қайта реконструкция қилиш ва қўшимча цехлар ташкил этиш, кўзқорин алкалоидлари ва терпеноидлари асосида экологик тоза доривор препаратлар олишнинг янги услубларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида доривор препаратларни ишлаб чиқариш учун замонавий органик синтезнинг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза усулларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тўғрисида»ги Қарорлари, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Алкалоид ва терпеноидларни ажратиб олиш ва уларни модификациялашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан: Institute of Marine Science (АҚШ), Center for Environmental Biotechnology, University of Tennessee (АҚШ), University of Rostock (Германия), Institute of Chemistry (Белгия), Centre for Sustainable Resource Science (Япония), Ben-Gurion University of the Negev (Израиль), Indian Agricultural and Hindu University (Индия); РФА фундаментал муаммолар биологияси институти (Россия), МГУ (Россия), Кёльн университетининг органик кимё институти (Германия), Париж университети (Франция), Кюсю университети (Япония), Ўсимлик моддалари кимёси институтида (Ўзбекистон), Биоорганик кимё институти (Ўзбекистон) ва Микробиология институтларида (Ўзбекистон) илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Stachybotrys alternans, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum*, *Polyporus aphanus* кўзқоринлар алкалоидлари ва терпеноидларининг модификацияси ва тузилиши бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: *Stachybotrys* ва *Trichoderma* замбуруғ культурасидан метаболитларни олиш усуллари ишлаб чиқилган (Лудонг университети, Хитой), *Stachybotrys* ва *Trichoderma* замбуруғ штампларининг алкалоидлари ва терпеноидларининг синтезини ҳар хил озуқа муҳитида ўстириш усуллари ишлаб чиқилган (Янтай Ҳайвонларнинг патогенетик микробиологияси ва иммунологияси асосий лабораторияси, Хитой,) *Stachybotrys* кўзқорини томонидан синтез қилинган стахиботриотоксинларнинг кимёвий тузилишини ўрганиш усуллари ишлаб чиқилган (Озиқ-овқат кимёси институти, Германия), *Polyporus aphanus* замбуруғларидан биологик фаол бирикмалар ажратиш (Фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Миссисипи университети), *Stachybotrys* замбуруғ алкалоидлари ва терпеноидларини ажратиш ва тузилишини ўрганиш усуллари ишлаб чиқилган (Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон) ва *Stachybotrys*, *Trichoderma* замбуруғларини турли озуқа

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган.

мухитда алкалоидлари ва терпеноидларининг синтезини қилиш усуллари ишлаб чиқилган (Микробиология институти, Ўзбекистон)

Дунёда янги алкалоидлар ва терпеноидларнинг синтези, модификацияси ва «тузилиши – реакция қобилият – биологик фаоллик» ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, улардан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўзқоринлар таркибидаги алкалоидлар ва терпеноидларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда тўйинмаган ва эфирли гуруҳлар билан модификацияланган терпеноидлар тузилиши ҳамда хоссаларининг боғлиқликларни аниқлаш, модификацияланган алкалоидлар ва терпеноидларнинг физиологик ва фармакологик фаолликларини аниқлаш; экологик тоза, арзон ва кам концентрацияларда юқори самарали препаратлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларида кўзқоринлардан алкалоидлар ва терпеноидларни ажратиб олиш, синтез қилиш ва уларнинг модификациясига доир тадқиқотлар етакчи олимлар Moss M.O., McMullin D. R, Li X. Q., Liu D., Shin-Ichi S, Nozawa Y, Yamamoto K, Kimura Y, Shibata K, Hu W, Minagawa K, Nasumi K, Hu W, Takahashi S, Kamble R.M., Hinkley S.F., Билай В.И., Пидопличко Н.М., Саркисов А.Х., Беккер З.Э., Лукнер М., Содиков А.С., Бегишева А.И., Еникеева З.К. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Республикамізда сесквитерпеноид дриман бензофуран алкалоидлари ва терпеноидлари шунингдек, алкалоидлар ва терпеноидлар кимёси, тузилиши ҳамда биологик фаоллиги соҳасида А.С. Содиков, М.К. Юсупов, Х.А. Асланов, А.И. Бегишева, Зупарова К.М., Арипова С.Ф., Исаев М.И., Хамидова Х.М. томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Улар томонидан алкалоидлар ва терпеноидларни кўзқоринлардан ажратиб олиш, уларнинг ҳосилаларини самарали синтез усуллари яратилган, шунингдек, олинган бирикмаларнинг тузилиши ҳамда кимёвий ўзгаришлари ва замонавий физик тадқиқот усулларни қўллаш орқали янги маълумотлар билан бойитиш ва биологик фаол бирикмалар асосида доривор препаратларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Алкалоид ва терпеноид бирикмаларни кўзқоринлардан ажратиб олиш орқали кимё саноати; қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлган антибиотикларни олиш; ушбу жараёнларга янги авлод дори препаратларини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети ва Микробиология институти амалий лойиҳалари: ФА-4И-Т16 «Янги биоўғитни синовлардан ўтказиш ва жорий қилиш учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш» (2011-2012 йй.), илмий –тадқиқот ишлари режасининг ФА-И6-Т019 Биостим микроўстиргич биопрепаратини помидор ва поллиз экинларига

жорий этиш бўйича синовларни амалга ошириш» (2016-2021 йй.) илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий *Stachybotrys*, *Trichoderma* микромицетлар ва *Polyporus* қўзқоринларининг алкалоидлари, терпеноидларини ажратиш, янги ҳосилаларини синтези усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг тузилиши, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий микромицетлар *Stachybotrys*, *Trichoderma* ва *Polyporus* қўзқоринларни турли озуқа муҳитида ўстириш орқали олинган алкалоидларни ва терпеноидларини сифат ҳамда миқдорий таркибини аниқлаш;

стахиботрилактам, стахиботрин, стахиботролид ва стахиботраль моддаларини препаратив хроматографик усулда ажратиш, уларнинг тузилиши ва кимёвий хоссаларини аниқлаш;

стахиботрилактам, стахиботрин, стахиботролид ва стахиботралларни ациллаш, виниллаш ҳамда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини амалга ошириш орқали, сесквитерпеноид дриман бензофуран халқасидаги гидроксил, иккиламчи амид гуруҳларига хос O,N-ацил ва O,N-винил бирикмаларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

ажратиб олинган ҳамда синтез қилинган янги алкалоидлар, терпеноидлар ва уларнинг ҳосилаларини фармако-токсикологик хоссаларини тадқиқ қилиш;

биологик хусусиятларини аниқлаш орқали оптимал таркибли алкалоид, терпеноид бирикмаларни аниқлаш ва уларни амалиётга қўллаш учун тавсия қилиш;

T.harzianum 55 замбуруғ штамми асосида олинган «Биостим» микроўстиргич биопрепаратини қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

T.harzianum 28 замбуруғ штамми асосида «Трихостим» биопрепаратини ишлаб чиқиш ва уни чорвачиликда силос озуқа миқдорини оширишда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти тупроқдан ва қишлоқ хўжалиги экинлари илдиз ризосферасидан ажратиб олинган маҳаллий *Stachybotrys alternans*, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum* микромицет штаммлари ва *Polyporus aphanus* қўзқоринларининг алкалоидлари ва терпеноидлари ҳамда уларнинг ҳосилаларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий қўзқоринларнинг алкалоидлари ҳамда терпеноидлари ва улар асосида синтез қилинган биологик фаол моддалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида органик синтез, ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР, 2М ЯМР ^1H - ^1H корреляцион ROESY усуллари, 2М ЯМР ^1H - ^{13}C корреляцион НМҚС, НМВС усуллари, рентген тузилиш таҳлил усули, масс-спектрометрия усуллари ҳамда юқори самарали юпқа қатламли

хроматография, юқори самарали газ - суюқлик адсорбцион хроматография усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор янги тузилишли сесквитерпеноид дриман бензофуран синфига кирувчи стахиботрилактам, стахиботрин, стахиботролид ва стахиботраль моддалари олинган, тузилиши исботланган ва кимёвий хоссалари аниқланган;

янги алкалоидлар ва терпеноидларни N,O-ациллаш, N,O-виниллаш ҳамда оксидланиш-қайтарилиш реакциялари амалга оширилган, улар асосида биологик фаол бирикмалар синтез қилинган;

стахиботрилактам, стахиботрин, стахиботролид ва стахиботралларнинг N,O-ацилли бирикмаларини синтез қилиш орқали ароматик ва терпеноид ҳалқаларидаги гидроксил гуруҳларига хос O-ацил бирикмаларни юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланган;

сесквитерпеноид дриман бензофуран алкалоидлари, терпеноидларнинг тузилиши ва конформацияси кимёвий, замонавий физик тадқиқот усуллари ҳамда рентген тузилиш таҳлил усули ёрдамида аниқланган;

илк бор сесквитерпеноид дриман бензофуран тузилишли алкалоидлар, терпеноидларнинг ҳосилаларини синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва мақбул шароитлари топилган;

маҳаллий *T.harzianum* 55 замбуруғ штамми асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини оширувчи турли хил фитопатоген замбуруғларга қарши антифунгал хусусиятга эга «Биостим» микроўстиргич биопрепарати яратилган;

маҳаллий *T.harzianum* 28 замбуруғ штамми асосида ўсимлик массалари силосининг кимёвий, органолептик кўрсаткичларини оширувчи ва турли хил целлюлозали субстратларни бойитишда фойдаланиладиган «Трихостим» биопрепарати яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алкалоидларни ва терпеноидларни тузилишини ўрганиш, уларнинг ҳосилаларини синтез қилиш ва модификациялаш натижасида 12 та алкалоид, 28 та терпеноидлар ва 27 та уларнинг ҳосилалари олинган;

тери, ошқозон ва қизилўнгач саратонига қарши юқори фаоллик кўрсатган стахиботрин, стахиботрин А алкалоидларнинг цитотоксик хоссалари ўрганилди ва уларнинг ацетатли, винилли кам заҳарли ҳосилалари олинган;

амалий аҳамияти юқори бўлган ациллаш, виниллаш ва оксидлаш реакциялари маҳсулотларини олишнинг қулай усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий *T.harzianum* 55 замбуруғ штамми асосида олинган «Биостим» микроўстиргич биопрепарати қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда ушбу препаратни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

маҳаллий *T.harzianum* 28 замбуруғ штамми асосида олинган «Трихостим» биопрепарати чорвачиликда силос озуқа миқдорини оширишда қўллашда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги ишда ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР, 2М ЯМР ^1H - ^1H корреляцион ROESY, 2М ЯМР ^1H - ^{13}C корреляцион НМҚС, НМВС, масс-спектрометрия, ЮСЮҚХ, ЮҚХ усулларини кенг қўлланилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Stachybotrys alternans*, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum* 55, *Trichoderma harzianum* 28 замбуруғларидан ва *Polyporus aیلanthus* кўзқоринидан янги алкалоид ва терпеноидларини ажратиб олиш, янги ҳосилаларни синтез қилиш, кимёвий ўзгаришларини амалга ошириш "Тузилиш – реакцион қобилият" боғлиқлик қонуниятларини асослаш ҳамда реакция механизмларини таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган экстракцион усуллар ёрдамида *Stachybotrys alternans*, *Stachybotrys chartarum* *Trichoderma harzianum* 55, *Trichoderma harzianum* 28 замбуруғлари ва *Polyporus aیلanthus* кўзқоринидан янги 12 та алкалоид ва 28 терпеноид тузилишли бирикмалар ажратиб олинганлиги, улар асосида 27 та янги ҳосилалари синтез қилинганлиги, олинган бирикмаларнинг саратонга қарши дори воситаларини олишда фойдаланилганлиги, яратилган «Биостим» микроўстиргич биопрепаратининг қишлоқ хўжалигида экинларини ҳосилдорлигини оширишда, турли фитопатогенлардан ҳимоялашда ва кимёвий ўғитлар сарфини камайтиришда қўлланилганлиги ҳамда яратилган «Трихостим» биопрепаратининг чорвачиликда омихта-ем озуқа миқдорини оширишда қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ажратиб олинган алкалоидлар, терпеноидлар ва уларнинг ҳосилаларининг тузилиши ҳамда биологик фаоллигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Polyporus aیلanthus кўзқоринидан тритерпеноидларини ажратиш, тузилиши, синтез усуллари, кимёвий ўзгаришлари ва биологик фаоллиги ҳақидаги маълумотларни қўлланилиши ва таҳлили учун хорижий юқори импакт факторли 13 га яқин журналлар ҳамда 20 та манба ва илмий мақолаларда фойдаланилган: (Natural Medicines (2006), 2, 130-134, (IF=2.3); Bioorganic Chemistry (2018), (IF=5.2), Phytochemistry (2006) 67, 202–211, (IF=4.0) ва бошқа. Натижада тритерпеноидлар ажратиш ва тузилишини аниқлашни амалга ошириш имконини берган;

циклопентанон оксимнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари халқаро Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam.ac.uk>, ССДС № 1042802). Натижада базага киритилган янги моддаларга ўхшаш бирикмаларни синтез қилиш, тузилишини ўрганиш имконини берган;

маҳаллий *Trichoderma harzianum* 55 замбуруғ штамми культурал суюқлиги асосида яратилган “Биостим” микроўстиргич биопрепарати қишлоқ хўжалигида пахтачилик ҳамда ғаллачиликда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2021 йил 25 октябрдаги 01/1783 - сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини 4-12% гача ошириш имконини берган;

маҳаллий *Trichoderma harzianum* 55 замбуруғ штамми культурал суюқлиги асосида яратилган “Биостим” микроўстиргич биопрепаратини “Лаванда” доривор ўсимлигига қўллаш орқали амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг 2021 йил 16 ноябрдаги 04/21-4574 - сон маълумотномаси). Натижада ўрмон хўжалиги ҳудуддаги “Лаванда” доривор ўсимлиги ривожланишини 15-20% гача ошириш имконини берган;

маҳаллий *Trichoderma harzianum* ва *Stachybotrys chartarum* замбуруғ штаммидан ажратиб олинган алкалоидли ва терпеноидли органик бирикмалар Муборак газни қайта ишлаш МЧЖ корхонасида амалиётга қўлланилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 27 ноябрдаги 854/ГК-11-сон маълумотномаси). Натижада нефт-газ саноати металл конструкциялари ва қурулмаларининг эксплуатация муддатини ошириш имконини берган;

маҳаллий *Trichoderma harzianum* 28 замбуруғ штамми культурал суюқлиги асосида олинган “Трихостим” биопрепарати чорвачиликда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 02/23-2099 -сон маълумотномаси). Натижада ҳайвонлар соғлигини барқарорлаштириш, турли хил касалликларга чидамлилигини ва сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 16-21% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот илмий натижалари 10 та, жумладан 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий симпозиум, конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола хорижий журналларда ва 4 та мақола республика илмий нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 199 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги асослаб берилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий қилиш истиқболи борасида хулосалар чиқарилган ҳамда чоп этирилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Stachybotrys*, *Trichoderma* ва *Polyporus* кўзқоринларининг алкалоидлари ва терпеноидлари» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, бунда республикамизда ва хорижда чоп этилган маълумотлар асосида *Stachybotrys*, *Trichoderma* замбуруғлари ва *Polyporus* кўзқоринидан ажратиб олинган алкалоидлар ва терпеноидларнинг тузилишини замонавий физик тадқиқот усуллари ИҚ, ЯМР ^1H , ЯМР ^{13}C ва 2М ЯМР ^1H - ^1H корреляцион ROESY усуллари, 2М ЯМР ^1H - ^{13}C корреляцион НМҚС, НМВС усуллар, ҳамда рентген тузилиш таҳлил усули, масс-спектрометрия, элемент анализ, газ-суюқлик хроматография, юпқа қатлам хроматография тадқиқот усуллари ҳамда органик синтезнинг оксидлаш-қайтарилиш, фаол водородларга хос ациллаш ва виниллаш реакциялари асосида синтез қилинадиган биологик фаол моддалар, уларнинг кимёвий хоссалари ҳамда қўлланилиши, кашф этилиш тарихи, ацетилен молекуласи билан ишқорнинг гидроксил гуруҳи ҳосил қилган комплекслари ва ацетиленнинг водород билан алмашинган ҳосилаларини олиш, азот тутган алкалоидлар, терпеноидлар, тритерпеноид бирикмаларнинг ацетилен билан реакциялари турли катализаторлар иштирокида турли ҳароратда ўрганилганлиги ҳамда алкалоидлар ва терпеноидларнинг кимёвий таркибининг замбуруғ ўсадиган шароитлари ва озуқа манба турига қараб ўзгаришлари тўғрисидаги натижалар ва уларнинг таҳлили келтирилган. Шулар асосида азот тутган органик бирикмаларни гомоген - каталитик ациллаш, виниллаш реакциялари ва ушбу жараёнда нанотузилишли катализаторларни қўллаш, шунингдек, органик бирикмаларнинг ациллаш, виниллаш жараёнларини ўрганиш орқали биологик фаол бирикмалар олиш диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «*Stachybotrys*, *Trichoderma* ва *Polyporus* кўзқоринларининг алкалоид ва терпеноидларни ажратиш» деб номланган иккинчи бобида алкалоид ва терпеноидларни замбуруғ ва кўзқоринлардан ажратиб олиш, уларнинг физик кўрсаткичларини аниқлаш, алкалоидларни гомоген шароитларда оксидлаш, ациллаш, виниллаш усуллари, ажратиб олинган ва синтез қилинган моддаларнинг таркиби ҳамда тузилишини аниқлашнинг физик- кимёвий усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «Фенилспиродриман алкалоидлари ва терпеноидларнинг тузилиши ҳамда улар асосидаги синтезлар» деб номланган учинчи бобида эса сесквитерпеноид дриман бензофуран алкалоид ва терпеноидларининг оксидлаш, ациллаш ҳамда винилбирикмаларининг олиниши, маҳсулот унумига турли хил омиллар (органик эритувчилар ва катализаторлар табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, реакция давомийлиги ва бошқалар) таъсирини аниқлаш натижалари, оксидлаш, ациллаш, виниллаш жараёнларида юқори асосли системаларнинг роли батафсил ёритилган.

Stachybotrys alternans, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum* замбуруғ штаммларидан ва *Polyporus aphanthus* кўзқоринидан устунли хроматография ёрдамида идентификациялаганда кўйидаги алкалоид ва терпеноидлари ажратиб олинган (1-жадвал).


1-жадвал

Stachybotrys alternans, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum* замбуруғ штаммларидан ва *Polyporus aphanthus* кўзқоринидан олинган алкалоидлар ва терпеноидлар

№	Идентификация қилинган алкалоидлар ва терпеноидлар	Элемент таркиби	T.сюж.°C	R _f
Алкалоидлар				
1.	Стахиботрин	C ₂₅ H ₃₅ NO ₅	202-203°	0,48
2.	Стахиботрин А	C ₂₆ H ₃₇ NO ₅	192-193°	0,56
3.	Стахиботрилактam А (I)	C ₂₄ H ₃₃ NO ₄	220-221°	0,52
4.	Стахиботрилактam (II)	C ₂₃ H ₃₁ NO ₄	200-201°	0,43
5.	Стахиботрин В (III)	C ₂₆ H ₃₇ NO ₅	212-213°	0,50
6.	22-Метоксилстахиботрин (IV)	C ₂₆ H ₃₇ NO ₆	267-268°	0,58
7.	3-Метоксистахиботрин (V)	C ₂₆ H ₃₇ NO ₅	231-232°	0,60
8.	5-[(2-метокси-фенокс)метил]-1,3-оксазолидин-2-он (VI)	C ₁₁ H ₁₃ NO ₄	201–202°	0,48
9.	Циклопентанон оксим(VII)	C ₅ H ₉ ON	123-124°	0,67
10.	13,24-Диметоксилстахиботрин(VIII)	C ₂₇ H ₃₉ NO ₅	211-212°	0,45
11.	Индолсирка кислота(XIII)	C ₁₀ H ₉ NO ₂	168-170°	0,60
12.	Гарзиан кислота(XIV)	C ₁₉ H ₂₇ NO ₆	85-86°	0,62
Терпеноидлар				
13.	Стахиботролид	C ₂₃ H ₃₀ O ₅ ,	188-189°	0,61
14.	Стахиботраль	C ₂₃ H ₃₂ O ₄	176-179°	0,64
15.	Стахиботролид А (IX)	C ₂₄ H ₃₂ O ₅ ,	158-159°	0,61
16.	Стахиботраль А (X)	C ₂₄ H ₃₄ O ₄	150-151°	0,64
17.	2,3-Дигидро-1,4-бензпиранол-4 (XI)	C ₉ H ₁₀ O ₂	184-186°	0,69
18.	Гиббериллин A ₃ (XV ^a)	C ₁₉ H ₂₂ O ₆	233 -235°	0,47
19.	Гиббериллин A ₄ (XV ^b)	C ₁₉ H ₂₄ O ₆	214–216°	0,50
20.	Гиббериллин A ₇ (XV ^c)	C ₁₉ H ₂₃ O ₅	169–172°	0,52
21.	Эргостерол (XII)	C ₂₈ H ₄₄ O	169-170°	0,71
22.	Эбурик кислота (XVI)	C ₃₁ H ₅₀ O ₃	208-209°	0,31


Микроорганизмларнинг ўсиши, ривожланиши ва иккиламчи метаболитлар синтезида озуқа муҳити муҳим ўрин тутади, уларнинг ривожланиши учун оптимал бўлган ҳароратларда микроб хужайрасининг ўсиши муҳитда максимал даражада иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлишини таъминлайди. Тадқиқотлар давомида *Stachybotrys chartarum* ва *Stachybotrys alternans* штаммларининг иккиламчи метаболитлари синтезига азот ва углевод манбаларининг таъсири ўрганилди.

Азот манбаси сифатида NH_4NO_3 , $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, $(\text{NH}_4)_2\text{H}_2\text{PO}_4$ ва NaNO_3 тузларидан фойдаланилди, тажрибалар 35 ва 45°C да олиб борилди. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўлланилганда *Stachybotrys alternans* штаммида стахиботрин синтези максимал даражада амалга ошиши кузатилди (1-расм). NH_4NO_3 ва $(\text{NH}_4)_2\text{H}_2\text{PO}_4$ (назорат) қўлланилганда эса нисбатан кам (138 мкг/мл) стахиботрин синтез бўлиши аниқланди. $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўлланилган шароитларда *Stachybotrys alternans* штамми бошқа азот манбаларига қараганда кўп биомасса ҳосил қилиши билан ажралиб туради.



1-расм. *Stachybotrys alternans* штаммида стахиботрин ва стахиботролид синтезланишига турли азот манбаларининг таъсири

Stachybotrys chartarum штаммида ҳам максимал даражадаги стахиботрин синтези азот манбаси сифатида $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўлланилганда юқори даражада стахиботрин синтезланган бўлса, стахиботролид синтезида эса аксинча NaNO_3 қўлланилганда (134 мкг/мл) кузатилди. Ушбу штамм учун стахиботролид синтезида озуқа муҳитига азот манбаси сифатида NaNO_3 тузини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади (2-расм).




2-расм. *Stachybotrys chartarum* штаммида стахиботрин ва стахиботролид синтезланишига турли азот манбаларининг таъсири

Хулоса қилиш мумкинки, $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ нафақат штаммлар биомассасига, балки озуқа муҳитида иккиламчи метаболитлар синтезига ҳам ижобий таъсир

кўрсатади. *Stachybotrys alternans* штамми ҳар икки метаболит синтези учун $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$, *Stachybotrys chartarum* штамми эса стахиботролид синтези учун NaNO_3 , стахиботрин синтези учун $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ қўшилган шароитларда кўп миқдорда иккиламчи метаболитлар синтез бўлади.

Углерод манбаларининг стахиботрин ва стахиботролид синтезига таъсирини ўрганишда целлюлоза, сахароза (назорат), глюкоза, лактоза, галактоза, рамноза, раффиноза, мальтоза, фруктоза ва маннитдан фойдаланилди ва иккиламчи метаболитлар синтезига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши кузатилди.

Stachybotrys alternans штаммида юқори даражадаги стахиботрин синтези ўстиришининг тўртинчи суткасида сахароза қўлланилган вариантда (1,90 мкг/мл) кузатилди, энг кам миқдорда эса маннит қўлланилган (0,001 мкг/мл) вариантда аниқланди. Углерод манбаси сифатида лактоза ва галактоза қўлланилган вариантларда ҳам максимал даражада стахиботрин синтезланди (мос равишда 1.43 ва 1.42 мкг/мл). *Stachybotrys chartarum* штаммида ҳам максимал даражадаги стахиботрин синтези сахароза қўлланилган вариантда (1,89 мкг/мл) кузатилган бўлса, лактоза қўлланилганда мос равишда 1,74 мкг/мл миқдорда стахиботрин синтезланди. Энг оз миқдордаги синтез мальтоза ишлатилган вариантда (0,02 мкг/мл) кузатилди (3–расм).




3–расм. Турли углерод манбаларининг стахиботрин синтезига таъсири

Стахиботролид синтезида эса углерод манбаларининг таъсири сезиларли таъсир кўрсатди. *Stachybotrys alternans* штаммида углерод манбаси сифатида мальтоза ишлатилганда 1,26 мкг/мл, сахарозада 1,22 мкг/мл, глюкоза 0,92 мкг/мл, маннитда 0,93 мкг/мл, фруктозада эса 0,1 мкг/мл стахиботролид ҳосил бўлгани аниқланди. Лактоза ва рамноза қўлланилганда стахиботролид ҳосил бўлиши кузатилмади.

Stachybotrys chartarum штаммида ҳам углерод манбалари стахиботролид синтезига ижобий таъсир этади. Юқори даражадаги стахиботролид синтези мальтоза ишлатилганда (1,47 мкг/мл) кузатилди. Сахароза ва глюкоза ҳам стахиботролид синтезига юқори даражада таъсир кўрсатиши тажрибаларда аниқланди (сахароза – 1.43 мкг/мл, глюкоза – 1,38 мкг/мл). Энг кам

даражадаги синтез галактозага тўғри келади (0,53 мкг/мл) кузатилди (4-расм).




4-расм. Турли углерод манбаларининг стахиботролид синтезига таъсири

Шундай қилиб, танлаб олинган штаммларнинг потенциал миқдорда стахиботрин синтез қилиши учун углерод манбаси сифатида сахарозадан, стахиботролид синтезида эса углерод манбаси сифатида мальтоза ёки сахарозадан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Ажратиб олинган алкалоид ва терпеноидларнинг тузилишини ўрганиш учун ИҚ, ^1H ЯМР, ^{13}C ЯМР, 2М ^1H - ^1H ЯМР корреляцион ROESY усуллари, 2М ^1H - ^{13}C ЯМР корреляцион НМҚС, НМВС усуллари, рентген тузилиш таҳлил усули, масс-спектрометрия усуллари ҳамда юқори самарали юпқа қатламли хроматография, юқори самарали газ - суюқлик адсорбцион хроматография усуллари қўлланилган³.

Текширилаётган модданинг ЯМР ^{13}C спектрида 156,88; 155,39; 135,66; 117,60; 113,22; 101,80 м.у. соҳаларда сигналларнинг намоён бўлиши стахиботрилактам А молекуласида бешта алмашинган бензол ядроси мавжудлигидан далолат беради. Шунга кўра, стахиботрилактам А нинг ^1H ЯМР спектрида 7,35 м.у. да синглет сигналнинг мавжудлиги битта ароматик протон борлигини кўрсатади (5-расм).



5- расм. Стахиботрилактам А ни ^1H ЯМР спектри


³Муаллиф диссертация ишини бажаришда амалий ёрдам берганлиги учун ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимё институти ходимларига самимий миннатдорчилик билдиради.

Молекуланинг алициклик қисми 15 та углерод атомидан иборат бўлиб, сесквитерпеноид дриман ҳалқали тузилишга тўғри келади. Стахиботрилактам А пиридинли шароитда сирка ангидрид билан ацилланганда диацетатли бирикма ҳосил бўлади. Унинг ҳосил бўлиши стахиботрилактам А молекуласида битта гидроксил гуруҳи мавжудлигини кўрсатади. ^1H ЯМР спектрида метоксил гуруҳига хос 5,01 м.у. да синглет резонанс частоталарининг ҳосил бўлиши бензол ҳалқасига бириккан метокси гуруҳини билдиради. ЯМР ^{13}C спектрида эса бензол ҳалқасидаги метокси гуруҳига боғланган углерод атомига тегишли бўлган 155,39 м.у. да сигналнинг намоён бўлиши, стахиботрилактам А да бензол ҳалқасига бириккан метокси гуруҳи борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Стахиботрилактам А ва диацетатли моддалар ^1H ЯМР спектрларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, диацетатли бирикма ^1H ЯМР спектрида 3,75 м.у. да триплет сигналининг намоён бўлиши ацетокси гуруҳидаги протон геминал ҳолда жойлашганлигини билдиради. Бу эса гидроксил гуруҳини иккиламчи углеродда жойлашганлигини, стахиботрилактам А ^{13}C ЯМР спектрида 76,86 м.у. да сигнални намоён бўлиши эса, иккиламчи карбонилли углерод атоми борлигини тасдиқлайди.

Стахиботрилактам А масс- спектрида m/z 207 ион чўққиси кузатилиши битта водород атомининг йўқолиши билан C-9-C-11 ва C-9-O боғлари узилишини кўрсатади. Шунингдек кузатилган m/z 189 ва 135 ион чўққилар молекуланинг алициклик қисми фрагмент ионлари туфайли келиб чиқади.


Ушбу модданинг ИҚ-спектрида 1775 см^{-1} соҳада юқори частотали валент тебранишнинг намоён бўлиши, стахиботрилактам А молекуласида карбонил гуруҳи борлигини кўрсатади. Модданинг ^{13}C ЯМР спектрида (6-расм) 155,39 ва 156,88 м.у.да сигналларнинг намоён бўлиши ароматик ҳалқада жойлашган углерод атомларининг метокси гуруҳга боғланганлигини ва яна битта углерод эса кислород атоми билан боғланганлигини билдиради. 98,72 м.у.да сигнални намоён бўлиши эса кислород атомига боғланган иккиламчи углерод атомининг борлигидан далолат беради. Углерод атомларига хос 156,88 ва 98,72 м.у.да сигналларни намоён бўлиши алициклик углерод атоми билан ароматик углерод атомлари эпоксид гуруҳи орқали боғланганлигини кўрсатади.



6- расм. Стахиботрилактам А ^{13}C ЯМР спектри

Спектрда 117,60, 113,22 ва 135,66 м.у. соҳадаги сигналлар ҳосил бўлиши ароматик ҳалқадаги 3 та углеродни ҳалқадан ташқаридаги углеродлар билан боғланган деган хулосага келишга имкон беради.


Стахиботрилактама А ^1H ЯМР спектрида 3,09 ва 3,50 м.у. соҳалардаги сигнал АВ системали иккита протонларнинг резонанслашуви ҳамда уларнинг $2\text{M}^1\text{H} - ^{13}\text{C}$ ЯМР спектрида 32,86 м.у. даги сигнал углерод (С-11) атомининг кимёвий силжиш корреляцияси билан протонларнинг резонанслашуви кузатилади. Ушбу изолирланган метилен протонларининг узок масофадаги $^1\text{H} - ^{13}\text{C}$ (НМВС) корреляция спектрида учта ароматик углерод атомлари С-12 (117,60 м.у), С-13 (155,39 м.у), С - 17 (156,88 м.у) билан ҳамда молекуланинг терпеноид қисмидаги учта углерод атомлари С-8 (37,34 м.у), С-9 (98,72 м.у), С-10 (40,35 м.у.) корреляциялашуви бу углерод атомларининг ўзаро боғланганлигини кўрсатади. Шунинг учун изоляцияланган метилен протонлари жойлашган С-11 углерод атоми молекуланинг сесквитерпен қисмини резонанслашган ароматик ҳалқадаги С-12 (117,60 м.у.) углерод атоми билан углерод-углерод боғи ҳосил қилади. Молекулада С-9 (98,72 м.у) ва С-17 (155,6 м.у) углерод атомларини боғлайдиган эпоксид функционал гуруҳи спиробензофуран ҳалқасини ҳосил қилади. НМВС спектрида Н-14 (7,35 м.у.) ароматик протонни молекуладаги С-12 (117,69 м.у.), С-13 (155,39 м.у) углерод атомлари билан ўзаро корреляциялашуви С-14 (139,2 м.у.) углеродда ароматик протон мавжудлигини кўрсатади (7-расм).



7-расм. Стахиботрилактама А ни дейтеропиридиндаги НМВС спектри

Ароматик ҳалқадаги Н-14 водород атоми билан С-23 (169,80 м.у.), С-16 (113,22 м.у.) углерод атомларини ўзаро вициналь ҳолда корреляцияланишуви кузатилади. Бу эса С-15 углерод атоми ароматик протонга нисбатан геминаль ҳолатда жойлашганлигини кўрсатади. Бу эса диацетатнинг ^1H ЯМР спектрида АВ системали иккита протонга хос кимёвий силжишлар 3,15 м.у. ва 3,58 м.у. да дублет сигналнинг намоён бўлиши ва 2M ЯМР $^1\text{H} - ^{13}\text{C}$ корреляцион спектрида 48,54 м.у. да углерод атомига хос сигнал билан корреляциялашганлиги метилен протонларни С-22 углеродда жойлашганлигини кўрсатади. НМВС спектрида кўриб чиқилган С-22 углеродда жойлашган АВ системали метилен протонларининг С-23 (169,80 м.у.), С-16 (113,22 м.у.), С-17 (156,88 м.у.) ва С-15(135,66м.у.) углерод


атомлари билан ўзаро таъсирлашуви, C-22 углерод атоми C-16 углерод атоми билан боғланганлигини кўрсатади (8-расм).



8-расм. N, 3O-диацетатстахиботрилактам A нинг дейтеропиридиндаги НМВС спектри

N, 3O-диацетатстахиботрилактам A ^1H ЯМР спектрида 2H-22 (5,15; 5,58 м.у.) водород атомлари кимёвий силжишлари намоён бўлиши ацетокси гуруҳи азот атоми билан боғланганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, C-23 углерод атоми C-22 атоми билан учламчи N атоми орқали бирикиб E гетероҳалқани ҳосил қилади.

A/B ҳалқаларнинг қўшилиши ва молекуланинг терпеноид қисмини конформацияси қуйидагича аниқланади. Стахиботрилактам A ^1H ЯМР спектрида H-5 протоннинг 2,56 м.у. даги сигнали ўзаро спин-спин таъсир константасини билдиради. Бирикманинг ^1H ЯМР спектридаги H-1 α , H-1 β , H-2 β , H-3 β , H-6 β протонларнинг фазовий ҳолати A ва B ҳалқаларнинг конформациясига мос равишда $^{10}\text{C}^3$ ва $^8\text{C}^5$ “кресло” тузилишга эга эканлигини кўрсатади (9-расм).




9-расм. Стахиботрилактам A терпеноид қисмининг конформацион тузилиши

Стахиботрилактам A ва унинг моноацетатли ҳосиласини ^1H ЯМР спектрида (CDCl_3) H-3 протоннинг 3,64 м.у. соҳада триплет сигнали намоён бўлиши спин-спинларнинг ўзаро таъсир константаси $^3\text{J} = 3\text{Гц}$ соҳадаги қийматларда доимийлигини кўрсатади. Ушбу маълумотлар H-3 протоннинг кимёвий силжиш қийматлари моноацетат таркибидаги эркин гидроксил

гурухи С-3 углероддалиги ва моноацетатли бирикма ҳосил бўлганлигини ҳамда Н-3 протонининг фазовий ҳолати β-экваториал эканлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида моноацетат молекуласидаги ацетокси гурухи α-аксиаль фазовий конфигурацияга эга эканлигини билдиради.


Ушбу хулосалар 6-расмда кўрсатилган стахиботрилактам А ROESY спектри маълумотлари билан ҳам тасдиқланган. Молекуладаги СН₃-19 метил радикали ва Н-8 протонлари орасидаги ОЯЭ таъсирнинг бир хил спектрда аниқланиши метил радикалининг фазода β-ориентациялашувини ҳамда СН₃-18 метил гурухига нисбатан α-ориентацион йўналишга эга эканлигини кўрсатади.

Стахиботрилактам А молекуласида Н-1α - Н-2β ва Н-5 - Н-6β антиперипланар протон жуфтликлари ўртасида ОЯЭ таъсирини кузатиш ROESY спектрининг ўзига хос хусусияти бўлиб, А ва В ҳалқаларнинг фазода жойлашишига мос келади. Шундай қилиб, тақдим этилган экспериментал маълумотлар стахиботрилактам А фазовий ҳолати 10-расмда тасвирланган тузилишга эга деган хулосага келишга имкон беради.




10-расм. Стахиботрилактам А терпеноид қисмининг конформацияси ва дейтеропиридинда олинган ROESY спектри

Stachybotrys alternans, *Stachybotrys chartarum*, *Trichoderma harzianum* замбуруғнинг янги маҳсулотлари: стахиботрилактам, стахиботрин, стахиботролид ва стахиботраль лаборатория шароитида ўстирилган *Stachybotrys chartarum* микроқўзиқориннинг муҳим алкалоид ва терпеноидлари бўлиб, устунли хроматография ёрдамида ажратиб олинди ва уларни ациллаш реакциялари амалга оширилган. О- моноацетат ҳосил бўлиш жараёнида реагентлар 1:1 моль нисбатда олинган ва хона ҳароратида реакциялар олиб борилган.




Реакциялар нуклеофиль алмашиниш механизми бўйича боради.




Стахиботрилактам А молекуласидаги карбонил гуруҳидаги қўш боғнинг электронлари электроманфий кислород томон силжиганлиги сабабли кислород қисман манфий зарядга эга бўлади. Электроманфий кислород атомларининг таъсири натижасида углерод атоми эса қисман мусбат зарядланади. Молекуладаги терпеноид ҳалқада жойлашган гидроксил гуруҳидаги кислород атомининг жуфт электронлари сирка ангидрид молекуласидаги углерод атоми билан таъсирлашиб, оралиқ бирикма ҳосил қилади. Реакция давомида кислород-углерод ковалент боғи ҳосил бўлиши сабабли янги оралиқ бирикма шаклланади. Гидроксил гуруҳидаги протон билан ацетат иони ҳисобига сирка кислота ажралиб чиқади ва пиридин билан туз ҳосил қилади.

